

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 42 (1273)

2020 ЙИЛ 22 ОКТЯБРЬ

ТАЙИНЛОВ



Якубов Шухрат Исраилович "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқаруви Раиси ўринбосари лавозимига тайинланди.

Ш.Якубов бунга қадар "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқаруви Раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасида шўба мудири лавозимларида фаолият юритган. Бу ҳақда банк Ахборот хизмати маълум қилган.

"АГРОБАНК" ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАОЛ

Амударё тумани нафақат Қорақалпоғистонда балки, юртимизда ҳар томонлама ривожланиб, тараққий этиб бораётган, ўз ўрнига эга туманлардан биридир. Унинг сўнгги йилларда эришайтган натижалари мақтовга лойиқ.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистон Республикасига қилган навбатдаги таширифта мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берилган эди.



(Давоми 3-саҳифада)

МАТБУОТ ХУДДИ ДАРСЛИК КАБИДИР

Яқинда "Халқ сўзи" газетасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Мамаджанованинг "Матбуот худди дарслик кабидир" мақола-си эълон қилинди.

Унда муаллиф "Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда "мажбурий обуна" баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ бўлгани, бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчилари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолганини алоҳида таъкидлади. Тўғриси, бу ҳаётий ҳақиқат гаплардир" дея қайд этади.

Унинг таъкидлашича, илгари мактабларда дарс бошланишидан аввал беш дақиқалик "сиёсий ахборот", яъни газеталар шарҳи ўтказиларди. Ота-оналаримиз ҳам ишдан уйга қайтишида қўлларидан бир неча газета билан қайтар, кечки оқшом ота-оналаримиз билан биз фарзандлар ҳам талашиб-тортишиб газеталарни ўқиш билан машғул бўлар эдик. Ҳозирги кундаги катта авлоднинг сиёсий етуқлигига шу ҳам сабаб бўлгандир балки. Бугунга келиб эса кўпчилик газета ўқимай қолди. Одамлар ишга кетишига ёки қандайдир юмушдан сал ортганда ижтимоий тармоқлар орқали



йўл-йўлакай ахборот олишга ўрганиб қолди. Бу билан кишининг фикрлаши, дунёқараши кенгайиб қолмайди ахир. Биз буни тўғри тушунишимиз керак. Қуруқ ахборот билан онгни ўстириб бўлмайди.

Айнан матбуот нафақат бугунги кун панорамасини тўлиқ кўриш ва кузатиш, балки келгусидаги истиқболни ҳам яққол тасаввур қилишга ёрдам беради. Матбуот худди дарслик сингари барча мавзуларни, мамлакатнинг бутун тарихий йилномасини қамраб олади. Ундаги мақола – эртагаёқ эсдан чиқиб кетадиган узук-юлуқ фактнинг ўзигина эмас, унда мулоҳаза бор, шарҳ бор. Мақолага ҳар доим қайтиш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳати матбуотдаги материалда маъсулият бўлади, жавобгарлик бўлади. Шошма-шошарлик билан материал эълон қи-

либ, ёлғон факт кетиб қолса, уни тезда ўзгартириш ёки ўчириб ташлаш имкони бўлмайди. Шунинг учун ҳам газетага материал тайёрлашда кўпроқ манбаларга мурожаат қилинади, кўп ўрганилади. Бу ўқувчи учун ҳам фойдали. Керак бўлганда, яна бошдан мулоҳаза қиласан, муҳим жойларини белгилаб, ўқиганларни кейинчалик фойдаланиш учун сақлаб қўйиш ва дарс жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Айни кунларда юртимизда босма нашрлар, газета ва журналларга обуна бошланди. Янги йилнинг илк куниданқо ишончли ва қизиқарли янгиликлар билан танишиш, уларни ёшларимизга етказиш учун ҳам обуна жараёнларига мажбурий эмас, ихтиёрий равишда ёндашишимиз даркор. Зеро, матбуот – ҳаёт кўзгусидир.

ЖАРАЁН

Мутлолаа учун энг мақбул восита фақатгина китоб эмас, балки даврий нашрларга ҳам ошно бўлишдир. Айни кунда чоп этилаётган газета ва журналларни кузатиб бориш ҳам саводимизни оширади, ҳам дунёқарашимизни кенгайтиради. Албатта, бунинг учун ўзимиз қизиққан ҳамда фаолиятимизга тааллуқли газеталар билан мунтазам танишиб бориш савия ва билимларимизни оширади.

ГАЗЕТА ҚИЙМАТГА ЭМАС, ҚАДРГА ЭГА

Афсуски, кейинги йилларда босма нашрларнинг адади, чоп этишига доир масалаларда муайян қийинчиликлар юзага келди. Бир қатор тармоқ ва идоралар муассислигидаги нашрлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди, мажбурий обуна кампаниясини бартараф этиш шиори остида жойларда ихтиёрий обуна ҳам оқсади. Бу эса, ўз навбатида, матбуотнинг оғир иқтисодий аҳволга тушишига сабаб бўлиши баробарида яхшигина қаламқашларнинг бошқа соҳаларга ўтишига олиб келди. Натижада бугунги кунда обуна сўзи айримлар учун худдики кераксиз матоҳга мажбурий пул тўлаш деб тушунилмоқда. Аммо зиёли, кундалик нашрларни синчковлик билан кузатиб бораётган киши учун

эса нашрларга обуна бўлиш маънавий чашмасидек гап. Яқинда Юртбошимизнинг обуна масаласига доир сўзларини барчамиз эшитдик, ўқидик. Чинданда давлатимиз раҳбарининг бу таъқиди барчамиз учун оғоҳлик қақриғидек бўлиши зарурдир. Зеро, матбуот билан ошно бўлиш ҳар бир кишига фойда берса берадики, аммо ҳеч қачон кераксиз ахборотлар билан чалғитмайди. Бу эса кишига ундан маънавий озуқа олиш баробарида ўзгача завқ ва ҳордиқ беради. Шунинг учун ҳам матбуотни моддийат билан ўлчаб бўлмайди. Чунки у қийматга эмас, балки қадрга эга.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ,
журналист

12 > ОБУНА – 2021

ГАЗЕТА ТРАНСФОРМАЦИЯСИГА ҚЎШИЛИНГ



МИЖОЗЛАРГА ЯНГИ БИНОДА ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан аҳоли ва тадбиркорларга банк хизматларини кўрсатишда қулайликлар яратиш белгиланган.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Халқ банки томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда миҳозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш ва уларга

янада қулайликлар яратиш устувор мақсад қилинган. Жумладан, сўнгги йилларда республикадаги мавжуд барча туман ва шаҳар филиаллари замонавий қиёфада қайта таъмирланмоқда.

Фарғона вилояти Бешариқ филиали ҳам капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бинода аҳоли ва тадбиркорлар учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, “фронт” ва “бэк” офисларга ажратилган ҳолда миҳозларга хизмат кўрсатилмоқда.

“ИПОТЕКА-БАНК”ДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ МАСАЛАСИ

Ипотека-банк Бош офисида “Раис билан қаҳва” номли учрашувининг навбатдаги сонидан “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси ҳамда банкда фаолият олиб бораётган банкнинг аёл ходимлари иштирокида “Гендер тенглиги” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Учрашувда «Ипотека-банк» кенгаш Раиси Александр Пиккер ҳам иштирок этди.



Суҳбат очик тарзда, кўтаринки руҳда ўтиб банкнинг фаол аёллари томонидан иш жараёнида юзага келаётган муаммолар, турли тақлифлари муҳокама қилинди. Аҳоли орасида аёллар, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича билдирилган фикрлар тад-

бир иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Шунингдек, банк тизимида аёл ходимлар мотивациясини ошириш, билим ва малакаларини оширишга имконият яратиш хорижий банклар тажрибасини ўрганиш хусусидаги тақлифлар атрофлича батафсил муҳокама қилинди.

“Аёллар тадбиркорли-

гини ривожлантиришда аввало, ҳозирда яхши тажрибага эга, тадбиркорлик кўникмалари шакланган аёлларни эндигина бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган аёлларга ўзаро ёрдам беришини йўлга қўйсақ, бу борада маълум бир ўқитиш ишларини олиб борсак” – дея тадбирда ўз тақлифини билдирган Лола Ганиева бу борада давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар хусусида, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар бериб ўтди.

Тадбирда аёл ходимлар учун банкда яратилаётган шарт-шароитлар хусусан тиббий суғурта полислари жорий қилиш кўзда тутилаётгани ҳақида маълумот берилди.



Банк Ахборот хизматлари

Бугунги кунда ҳар бир банк хизмат кўрсатиш сифатига жиддий эътибор қаратмоқда. Бироқ гуруч кўрмакисиз бўлмаганидек, айрим филиаллар ходимлари баъзида миҳозларга қўпол муносабатда бўлишлари кам бўлса-да учраб турибди. Шу боис ҳам айни дамда банк хизматлари сифатини ошириш мақсадида турли усуллар жорий этилмоқда.

“СИРЛИ МИЖОЗ” – СИФАТ КАФОЛАТИДИР

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Бошқаруви томонидан миҳозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк фаолиятдан қониқиш даражаси ҳамда ходимларнинг касбий малака маҳоратларини ошириш мақсадида ташқи маркетинг компанияси томонидан “Сирли миҳоз” услубида баҳолаш тизимидан фойдаланиш доим қўллаб-қувватланган.

“Сирли миҳоз” усулини банкда қўллашдан асосий мақсад – банкда хизмат кўрсатиш сифатини оширишдан иборат. “Сирли миҳоз” банк офисларига ташриф буюриб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи персонал менежерлар, ресепшен ва касса ходимларининг муомала маданияти ва миҳозларга хизмат кўрсатиш сифатига мувофиқ хизмат кўрсатиш кўникмаларини текширади. Албатта, бу усул 100 фоиз



Яқинда Бош банк биносидан Банкнинг Амалиёт бошқармаси ва “Тошкент” филиали учун “Сирли миҳоз” усули бўйича амалга оширилган навбатдаги баҳолаш тизими натижалари юзасидан Филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти, Ўқув маркази ва ташқи маркетинг компанияси иштирокида масофавий видеоконференция ташкил этилди.

Унда Филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти директори Ойбек Дўстмухамедов ва ташқи маркетинг компанияси раҳбари Шуҳрат Зокиров ходимларнинг профессионаллиги ва тезкорлиги, уларнинг аҳоли ва банк миҳозлари билан муомала қилиш этикети даражаси борасида йўл қўйган хато ва камчиликлар таҳлили, шунингдек, хизмат кўрсатиш шарт-шароитларини янада яхшилаш бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Маълумки, банкда юқори сифатли хизматларни доимий равишда ривожлантириш рақобатнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, чунки бу мавжуд миҳозларнинг банка содиқлигини ошириш ва янги миҳозларни жалб қилишга олиб келади. Энг муҳими эса, барқарор миҳозлар базасини яратишда ёрдам беради. Шу сабабли, ўтказилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ўз натижасини беради. Тадқиқот натижалари таҳлили ходимлар ўртасида ўзаро мотивация тизимини ривожлантириши ҳамда бу йўналишда самарали восита эканлиги таъкидланди.

аудиоёзув форматидан амалга оширилади. Хизмат кўрсатиш сифати тўғрисида олинган маълумотларга қўшимча равишда агентлар ҳар бир филиал ва банк шахобчаларининг фотосуратлари ёки хизмат кўрсатилганлигини тасдиқловчи қвтанцияларни тақдим этадилар. Мазкур усулдан фойдаланиш банк ходимларининг миҳозга кўпроқ эътибор бериши, уларга дўстона муносабатда бўлишга, мулоқот қобилияти ҳамда маслаҳат ва техник ёрдамлар сифатини оширишга ёрдам бериш билан бирга, ходимнинг доимий ўз устида изланишига ва хатоларини тўғрилашида ўзининг ижобий тенденциясини беради.

Хусусан, банк томонидан “Сирли миҳоз” усулидан фойдаланишида, ходим ҳар бир миҳозга муносабатда хурмат кўрсатишни бошлайди ва бу ўз самарасини бериб, профессионал одатга айланади. Ходим билмаган ҳолда “Сирли миҳоз”га рўбарў бўлишини билгач, ўз вазифаларига нисбатан масъулият билан ёндашишни бошлайди. Шунингдек, энг яхши хизмат кўрсатган ходимларнинг рағбатлантирилиши эса бошқа ходимларда ҳам профессионал иш услубида миҳозга хизмат кўрсатишга интилишларига яхши рағбат бўлади. Ўтказилган видеоконференция давомида иштирокчилар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан муносабат қилиб, керакли жавобларни олишди.

Сабоҳат ХАЙТКАРИЕВА
“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Ахборот хизмати бошлиғи

ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Марказий банк раҳбари-яни томонидан Қашқадарё вилоятида тўлов тизимлари инфратузилмасини кенгайтириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Шунингдек, ҳудуддаги тижорат банклари мутахассислари учун амалий семинарлар ташкил этилди. Уларда янги тўлов хизматлари, хусусан, савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчаларида QR-кодлар орқали тўловларни амалга ошириш, хўжалик субъектларининг тўловларини туну-кун (24/7) режимида ўтказиш имконини берадиган Тезкор тўловлар тизими хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Вилоят банк тизими ходимларига тадбиркорлик субъектларини тўлов терминаллари билан уларнинг муурожаати асосида тўлиқ таъминлаш, ушбу тизимдан самарали фойдаланиш бўйича зарур



кўникмаларни шакллантириш, ҳудудда ўрнатилган барча банкоматларнинг доимий ишчи ҳолатида бўлиши, аҳоли ва хўжалик субъектларининг талабига мувофиқ, уларга ўз вақтида банк карталари тақдим этиш масалаларида зарур кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, пандемия шароитида масофавий банк хизматларининг афзалликлари ҳамда қулайликларини мижозларга тушунтириш орқали мазкур хизматларнинг кўламини янада ошириш,

тарғибот-ташвиқот ишларини доимий олиб бориш зарурлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Ишчи гуруҳи вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб, чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш шохбчаларида ўрнатилган тўлов терминалларининг ишлаши, савдо ходимларининг уларни қўллашда тушунчаларининг етариллиги ўрганилди ҳамда бу борада тадбиркорлик субъектларига қўшимча тушунтиришлар берилди.

Cbu.uz

“АГРОБАНК” ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАОЛ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш ҳамда туманни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида “Агробанк” АТБ томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, айни кунларда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки ходимларидан иборат ишчи гуруҳ Амуударё туманида қатор учрашувлар ўтказмоқда. Унда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолияти би-

лик кредит маблағи олиб, “Феруза-Гули-Мед” ультратовушли диагностика марказини очган. Ҳозирда аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, “Агробанк” АТБ мутасаддилари нафақат туман иқтисодиётини яхшилаш, камбағалликдан чиқариш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида аҳоли ва тадбиркорлар билан очик мулоқотда ҳам иштирок этди.

Унда аҳоли ва банк мижозларининг муурожаатларига атрофлича жавоб қайтариш билан бирга банк фаолиятида олиб борилаётган янгиликлар ҳақида ҳам атрофлича ахборот берилди.

Ҳозирда “Агробанк” АТБ Амуударё тумани комплекс ривожлантириш мақсадида тузилган ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликда оғир ҳудудга киритилган маҳаллаларни ривожлантириш, тумanning “ўсиш нуқта”ларини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасини жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган амалий ишлар билан яқиндан танишдилар.

Х. ХОЛТЎРАЕВ

Айни кунларда Фарғона водийсининг энг қадимги масканларидан бири, кулоллар юрти дөя эътироф этиладиган Риштонда Ўзбекистонда ягона бўлган кулолчилик мажмуасида сўнгги пардозлаш ишлари кетмоқда. Мажмуа уста кулоллар учун барча шарт-шароитларга эга устахона ва тураржойлар бўлиб қолмай, чет эллик сайёҳларнинг ҳам севимли жойига айланиши кутилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА КУЛОЛЧИЛИК МАЖМУАСИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ

Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида юртимизда ёшлар, аёллар ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмини миллий хунармандчиликка кенг жалб қилиш ва шу орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида қатор тижорат банклари зиммасига устувор вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзоқов бошчилигида Ўзсаноатқурилишбанк томонидан барпо этилаётган Риштон кулолчилик мажмуаси ҳам бу борадаги ишларнинг амалий ифодасидир.

Миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган Риштон кулолчилик мажмуаси 20 нафар кулол-хунарманд учун икки қаватли (шундан биринчи қавати устахона ва савдо дўкони) кулолчилик хонадонлари, музей-галерея ва банк хизматлари марказини ўз ичига олади.

1,1 гектар ер майдонидан иборат мажмуани барпо этишда Ўзсаноатқурилишбанк қошидаги “SQB Capital” компанияси томонидан 19 млрд. сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Эътиборлиси, мажмуани барпо этиш жараёнида риштонлик хунармандлар, хусусан, уста кулоллар билан кенгашиб иш олиб борилди. Натижада ҳар бир тураржой ўзига хос меъморий ечимга, таъбир жоиз бўлса, меъморларнинг дастхатига эга бўлди.

Мажмуа ишга туширилиши билан 230 га яқин янги иш ўринлари яратилиши ҳамда хунармандлар томонидан яратилган нодир маҳсулотлар хорижга экспорт қилиниши кўзда тутилган. Айни пайтда мажмуадаги кўргазма-музей миллий амалий санъатимиз намуналари билан танишиш, қолаверса, кулолчилик асарларини яратилишини кузатиш имконияти Риштоннинг сайёҳлик салоҳиятини ошишига ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга айни кунларда мажмуага ёндош “Хўжа Рушноий” тарихий ёдгорлиги мажмуаси ҳам Ўзсаноатқурилишбанк ҳомийлигида капитал таъмирланиб, ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.




Бир сўз билан айтганда, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан барпо этилаётган Риштон кулолчилик мажмуаси ҳамда тикланаётган “Хўжа Рушноий” тарихий ёдгорлиги миллий кадрларимизни асраб-авайлашга, керак бўлса, янада сайқал топган ҳолда келажак авлодга етказилишига, дунё халқларини халқимизнинг бетакрор маънавий олами билан таништиришга хизмат қилади.

Finance.uz

Марказий банк томонидан 2020 йилнинг 9 ойи якуни бўйича тўлов баланси жорий операциялари ҳисобининг дастлабки кўрсаткичлари тайёрланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилнинг 9 ойи учун тўлов балансининг жорий операциялар ҳисоби дефицити 2019 йилнинг 9 ойига нисбатан 63%га камайиб, 663 млн. долларни ташкил қилди.

ТЎЛОВ БАЛАНСИ ЖОРИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР ҲИСОБИНИНГ ДАСТЛАБКИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПАСАЙГАН



Ушбу ҳолат импорт ҳажмининг экспорт ҳажмига нисбатан юқори суръатларда қисқариши, халқаро пул ўтказмаларининг деярли ўтган йил даражасида сақланиб қолиши ва олтин нархининг жаҳон бозорига ўсиши каби омиллар билан изоҳланади.

Жаҳон бозорларида энергия ресурслари нархининг тушиши, шунингдек коронавирус пандемияси ортидан жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг секинлашиши товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмига ўз таъсирини кўрсатиб, 2019 йилнинг 9 ойига (12,9 млрд. доллар) нисбатан 1,1 млрд. долларга қисқариб, 11,8 млрд. долларга тенг бўлди.

Товарлар ва хизматлар импорти ўтган йилнинг мос даврига (19,5 млрд. доллар) нисбатан 3,4 млрд. долларга қисқариб, 16,1 млрд. долларни ташкил этди.

Савдо балансининг манфий сальдоси 2019 йил 9 ойига нисбатан 35 фоизга яхшиланиб, 4,3 млрд. долларни ташкил этди.

Бирламчи ва иккиламчи ҳисоб.

Бирламчи даромадлар ва трансфертларнинг ижобий сальдоси жисмоний шахсларнинг халқаро қатнови сезиларли қисқаргани ва резидентларга хориждан келган трансчегаравий пул ўтказмаларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз қолганлиги ҳолатида 25 фоизга камайди.

Ўз навбатида, норезидентларнинг инвестицион даромадлари (қарзлар ва хорижий инвестициялар бўйича) 1,3 млрд. долларни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг 2020 йил 9 ойи учун тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи кўрсаткичларининг ҳисоботи ТБҚБ методологиясига мувофиқ фойдаланувчиларга 2020 йилнинг декабрь ойида тақдим қилинади.

Дастлабки кўрсаткичлар тезкор маълумотлар ва экспертлик баҳолашлар асосида тузилганлиги сабабли улар якуний маълумотлар билан фарқ қилиши мумкин.

Маълумотлар тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма (ТБҚБ) услубиятига мувофиқ тузилган бўлиб, Давлат статистика қўмитасининг савдо баланси кўрсаткичларидан фарқ қилиши мумкин.

ТЎЛОВ ТИЗИМИ РАҚАМЛАРДА




Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони 12,3 млн. га етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19 фоизга ошди.

Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси жорий йилнинг сентябрь ойида 17 108 млрд. сўмни ташкил этиб, март ойига нисбатан 31 мартага қупайди.

Республикаимиз бўйлаб ўрнатилган тўлов терминаллари сони 437 231 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 97 643 тага ёки 28 фоизга ошди.


Ўрнатилган банкومات ва инфокиосклар сони 12 455 та бўлиб, бу ўтган йилнинг 1 октябрга ҳолатига нисбатан 4 128 тага ёки 49 фоизга ошган.

Муомаладаги банк қарталари сони эса 24 млн. дан ошиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,2 млн. донага қупайди.



МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРДА ЎСИШ

Замонавий банк хизматларини тақдим этиш учун шарт-шароитлар яратиш учун инновацион банк технологияларининг жорий этилиши чакана хизматларни кўрсатишга ихтисослашган рақамли банклар ва уларнинг бўлимчаларининг фаолиятини ташкил этиш, масофадан туриб банк хизматларини такомиллаштириш ва тўлов тизимини янада ривожлантириш молиявий хизматларнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Буни статистик таҳлиллар ҳам айтиб турибди.



Яқинда Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасида хизматлари соҳасининг ривожланиши тўғрисида маълумот эълон қилинди. Унга кўра, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида молиявий хизматлар ҳажми 33 712,2 млрд. сўмга тенг бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 879,2 млрд. сўмга қупайган. Бу умумий хизматларнинг 21,5% ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 30,4%га ошган.

Молиявий хизматлар ҳажми – молиявий воситачилик ҳисобидан олинган фойзли даромадлар ҳажми (хизматлар учун белгиланган тўловлар миқдоридан), шунингдек, молия муассасаси томонидан ссуда бериш ёки депозитни сақлаш бўйича хизматлари учун тўланадиган ҳақ ҳисобига кўра олинади.

Қузатилаётган даврда айрим ҳудудлар-

га нисбатан, Тошкент шаҳрида молиявий хизматлар ҳажми 4 535,5 млрд. сўмга ўсди ва 18 091,5 млрд. сўмга етди. Шу билан бирга, Фарғона 543,0 млрд. сўм, Тошкент 458,6 млрд. сўм, Андижон 403,8 млрд. сўм, Самарқанд 394,4 млрд. сўм, Бухоро 376,7 млрд. сўм ва Сурхондарё 329,3 млрд. сўмни ташкил этиб, вилоятларда ҳам ҳажми ўсиши қайд этилди.

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида сугурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматларнинг улуши 91,3% ни ташкил этади. Жорий даврда сугурта хизматларининг улуши 5,3% ораллиғида қайд этилди. Молиявий ва сугурталаш хизматларига нисбатан ёрдамчи хизматларнинг умумий молиявий хизматлар ҳажмидаги улуши юқори кўрсаткичга эга эмас ва у 3,4% ни ташкил этади.

Мамлакатимизда кредиторлар ва қарздорлар ўртасидаги гаров муносабатларининг ягона реестрини юритиш ва соҳага оид ахборотлар ишончилигини таъминлаш мақсадида гаров реестри ташкил этилганига ҳам олти йилдан ошди. Ушбу давр мобайнида гаров реестридан фойдаланишда қулайликлар ҳамда ҳам кредитор ҳам қарздор учун маффаатли бўлган ўзгаришлар амалга оширилди.

ГАРОВ РЕЕСТРИ СОҲАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛДИ?



Хусусан, 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Кредиторларни ҳуқуқий жойхатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлари ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига асосан, 11 та қонун ҳужжатига ўзгариш киритилиб, хусусан, таъминот муносабатларида кредиторларнинг қарздор мулкига бўлган ҳуқуқлари устуворлиги, таъминот ҳисобидан талабларни қондириш ва бунда гаров реестрига ёзув киритган кредиторлар бир қатор имтиёزلарга эга бўлиши белгиланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қарздор томонидан кредиторлар олдидаги мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, таъминот ҳисобидан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбати улар томонидан гаров реестрига тегишли мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувларни киритишнинг хронологик тартибига (вақти ва санасига) мувофиқ қаноатлантирилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига тегишли моддасига асосан тўловчи томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзи белгиланган муддат ичида тўланмаган тақдирда, божхона органи ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратиладиган миқдордаги божхона тўловлари бўйича қарзнинг суммасини кўрсатган ҳолда гаров реестрига ёзув киритилиши ҳамда божхона тўловлари бўйича қарз тўлиқ қопланганидан кейин мазкур ёзув гаров реестридан ўчирилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига асосан мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин суриштирувчи ёки терговчи бир кун ичида, мол-мулкни хатлаш ҳақида суд ажрими чиқарилганда ваколатли бўлган органлар томонидан уч сутка ичида гаров реестрига ёзув

киритилиши тўғрисидаги қўшимча киритилди.

Бундан ташқари, киритилган ўзгаришларда қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаров предмети қиймати йўқолмаслиги, унинг бегоналаштирилиши (ўғирланиши, талон-торож қилиниши) олдини олиш ва тезроқ сотиш каби мақсадларда ундирувни таъминот нарсага суд буйруғи асосида қаратишнинг жорий этилиши белгиланган.

Бу эса, кредитор, қарздор ва бошқа фойдаланувчиларнинг гаров реестрига қизиқишини янада орттишига ва реестр хизматларидан фойдаланиш кўламини ошишига олиб келиши табиий.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга асосан, бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспорт воситаларига нисбатан ипотека шартномаларини расмийлаштирган банк ва бошқа кредит ташкилотлари мол-мулкка тақиқ қўйиш ҳамда тақиқни ечишни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мустақил равишда амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Мазкур қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4400-сон "Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги "Гаров реестри" ДУК маълумотлар базасини Адлия вазирлигининг Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда Ички ишлар вазирлигининг "Технаспорт+права" тизими ягона интеграллашган базасига интеграция қилинди ва кредит ташкилотлари учун гаров реестри сайти орқали ушбу ахборот тизимларидан мол-мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олиш ҳамда тузилган гаров шартномасига асосан гаровдаги мол-мулкка тақиқ қўйиш ва ечиш имкони яратилди.

Эндиликда бирламчи бозордан сотиб олинган кўчмас мулк ва

транспорт воситаларини ипотека ва гаров тўғрисидаги шартномаларини расмийлаштиришни ҳамда мазкур ипотека ва гаров тўғрисидаги шартномаларга асосан тақиқ қўйиш ҳамда тақиқ ечишни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали кредит ташкилотларининг ўзлари мустақил равишда амалга оширишлари мумкин.

Шунингдек, кредит ташкилотлари гаров реестри сайти орқали Ички ишлар вазирлигининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидан автоматотранспорт воситалари ва уларга бириктирилган мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилган бўлиб, ортиқча оворагарчиликларни олди олинди.

Бунинг натижасида қарздорларнинг бирламчи бозордан сотиб олинган кўчмас мулк ва транспорт воситаларини натариал идоралар орқали гаров ва ипотека тўғрисидаги шартномаларини натариал тасдиқлашда жисмоний шахслар учун 345 650 сўмдан 590 950 сўмгача, юридик шахслар учун эса 836 250 сўмдан 1 304 550 сўмгача бўлган ортиқча пул сарфлашлари қисқартирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4270-сон қарори ҳамда "Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5715-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида гаров реестри Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг кўчмас мулк кадастр қўмитаси (Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги) ягона интеграллашган базасига интеграция қилиниб, кўчмас мулк бўйича маълумот олиш имконияти яратилган.

Гаров реестри кредитлар, қарзлар бериш ва бошқа молиявий хизматлар сифатли кўрсатилишига ҳамда кичик бизнес ва аҳолининг молия муассасалари билан ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда, барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа хўжалик субъектлари ҳамда жисмоний шахслар гаров реестри хизматларидан фойдаланмоқда.

Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар ва "Гаров реестри" ДУК томонидан амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида гаров реестрига киритилган ёзувлар сони 148,5 минг тани ташкил этиб, жами киритилган ёзувлар сони 648 минг тадан ошди.

Баҳром МУҲАММАДИЕВ
"Гаров реестри"
ДУК еткази мутахассиси

НАЗОРАТ

451 НАФАР МАНСАБДОР ШАХСЛАР ИНТИЗОМИЙ ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАН

Прокуратура органлари томонидан ижтимоий қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирларида, қонунга зид бўлган 108 та ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ёки қонунга мувофиқлаштириш бўйича протестлар келтирилган, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ваколатли органларга 74 та тақдимномалар киритилган, 451 нафар мансабдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, шунингдек қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 46 та жиноят иши кўзатирилган, 672 млн. сўмлик етказилган зарарлар ихтиёрий қопланган, судларга қиймати 9,5 млрд. сўмлик 1013 та даъво аризалари киритилган ва 5,2 млрд. сўм ундирилган.

Текширишлар натижасига кўра, 3 989 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари амалда тикланган, дея ёзмада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси расмий веб-сайти.

Шунингдек, текширишлар давомида корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан бўш иш ўринларини яшириш ҳолатлари аниқланиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож 26 445 нафар ишсиз фуқароларга ишга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки берган маълумотларига кўра, жорий йилнинг сентябрь ойи учун 3 344 749 млн. сўм пенсия, 3 250 532 млн. сўм иш ҳақи, 438 276 млн. сўм нафақа жами 7 033 556 млн. сўм ижтимоий тўловлар тўлаб берилган.

Прокурор текширувлари айрим вазирликлар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа бюджет муассасалари томонидан бу борадаги қонун ҳужжатлари тўлиқ бажарилмасдан, иш ҳақи тўловларини мақсадсиз сарфлаш, талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Прокуратура органлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 46 та ҳолатда 7,7 млрд. сўмдан ортиқ иш ҳақи, нафақа ва уларга тенглаштирилган тўловлар учун ажратилган бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги аниқланган бўлиб, бу асосан, Халқ таълими вазирлиги (2,8 млрд.), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2,6 млрд.), Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (177 млн.), бошқа бюджет муассасалари (1,5 млрд.), шунингдек бошқа ташкилот ва корхоналар (448 млн.) сўм ҳисобига тўғри келади.

Б. МЕЙЛИЕВ тайёрлади

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда жамиятимизда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришлари учун уларга муносиб шароит яратиб бериш масаласига алоҳида ургу бериб ўтилди.

“МИКРОКРЕДИТБАНК”: АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР БАНДЛИГИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ

Бу борада “Микрокредитбанк” томонидан жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Шу савол билан банк Ахборот хизмати раҳбари Сарвар Очиловга мурожаат қилдик.


— Соҳада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳалари ижроси бўйича жорий йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига жами 3 трлн. 572 млрд. сўм кредит ажратилди. Шундан 659,2 млрд. сўми 16 910 нафар ёшнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилди ва 18 100 та иш ўрни яратилди. 563,2 млрд. сўми эса 18 556 нафар аёл тадбиркорлар учун ажратилди ва шу ҳисобига 19 400 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларига асосан 2020 йилда 1 138 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди ва 44 448 та иш ўрни яратилди. Шундан, биргина “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури доирасида ажратилган 879 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлардан 569 млрд. сўми 28 122 нафар ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга йўналтирилди. Чунки жамиятда аёллар бандлиги ва хунармандлигига барчамиз бирдек масъул бўлишимиз лозим.

— Бугунги пандемия шароитига қарамай, хотин-қизлар учун имтиёзли кредитлар ажратилиши, бизларни янада яхшироқ ишлашга, масъулиятлироқ бўлишга ундайди, — дейди “Гулжурт Арт” МЧЖ раҳбари Гулнора Одилова. — Шаҳрисабздаги миллий хунармандчилик бўйича лойиҳамни амалга ошириш учун “Микрокредитбанк”дан 1 млрд. сўм имтиёзли кредит олдим ва бунинг натижасида шахримиздаги, қишлоқдаги 45 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди.

Шу тариқа “Микрокредитбанк” томонидан хунармандчилик соҳасида ҳам 4 081 та миждозга ажратилган 126 млрд. сўм имтиёзли кредитларнинг 112 млрд. сўми ёки қарийб 89 фоиз 3 772 нафар аёл ва ёш тадбиркорларга йўналтирилган. Бундан ташқари, “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури бўйича 928 нафар — фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари йўналишларида 443 нафар хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги таъминланди.

Умуман олганда, “Микрокредитбанк” томонидан 2020 йилнинг якунига қадар, қўшимча равишда ёшлар ва хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 172 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛАЙ?



Яқинда бир танишим кўнги-роқ қилиб, “ака кредит олмакчи эдим, қаерга мурожаат қилай?”, деб сўраб қолди. “Албатта, банкка” десам, у банк унинг хужжатларини қабул қилмаётганини, танишларидан бири ижтимоий тармоққа чиқиш қилиб, кредит олганини айтди. Унинг сўзларидан айрим банкларнинг ижтимоий тармоқлардаги каналларини кузатиб, танишимнинг гапларида жон борлигига амин бўлдим.

Хусусан, банкларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида ҳар бир мурожаатга изоҳлар қолдирилган ва тегишли чоралар кўрилган. Кредит бўйича мурожаат қилганларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган. Фақат айримларигагина эътироз билдирилган ҳолос. Келинг, сўзимизнинг исботи сифатида бир мисол келтирсак.

Халқ банк матбуот котибининг телеграм саҳифасида қуйидаги мурожаатга муносабат эълон қилинган: “Ижтимоий тармоқларда “Фаргона вилоятидаги тижорат банкларида имтиёзли маблағлар

берилмаётими?”, деган сарлавҳа остида фуқароларнинг мурожаатлари эълон қилинди.

Унда Риштон тумани Учариқ қишлоғида яшовчи Саиджон Жалоловнинг “Чорвачилик йўналишида имтиёзли кредит олиш учун туман Халқ банки филиалига мурожаат қилдим. Банк ходимлари эса ҳозир бизда ресурс йўқ, деб мурожаатимизни рад этяпти”, деган мазмундаги эътирозлари ҳам бор.

Ушбу мурожаат бўйича ўрганиш олиб борилди. Сир эмаски, пандемия даврида Халқ банкининг айрим филиалларида ресурс етишмовчилиги кузатилмоқда. С.Жалолов хужжат топширмакчи бўлган вақтда Риштон тумани филиалида Чорвачилик йўналишида имтиёзли кредит учун ресурс бўлмаганлиги сабабли унинг хужжатлари қабул қилинмаган.

Ҳозирда Чорвачилик йўналишида имтиёзли кредит учун ресурс мавжуд бўлиб, ушбу фуқарога кредит ажратилмоқда.”

Бу каби мисолларни ҳам фақат мурожаатга муносабат ёзмадан банкка оид залворли мақолалар ёзармиди?!

ҚАРЗ АЖРАТИШДА ЎЗГАЧА ЁНДАШУВ

Ҳар қандай кредит ташкилоти ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларни кредитлаш масаласига жиддий ёндашди, шунинг учун потенциал қарз олувчиларга маълум талаблар қўйилади. “Капиталбанк” нинг кичик кредитлаш департаменти директори Алишер Махамдалиевнинг сўзларига кўра, мутахассслар кредит лойиҳаларини ўрганадилар ва барча мурожаат қилувчиларнинг фаолиятини таҳлил қиладилар.

— Май ойидан бошлаб биз J-USBP Япония-Ўзбекистон кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурини ишга тушириш орқали кредит олиш тартибини соддалаштирдик. Бу нимани аниқлатади? Расмий бухгалтерия хужжатлари бизни унчалик қизиқтирмайди. Чунки кўпчилик кичик бизнесда улар ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқ эътирмайди. Бунинг ўрнига биз бизнесга “жонли” қараймиз. Ходимларимиз ўзлари фаолият олиб бориладиган жойга борадилар, бухгалтерия ҳисоби, даромад ва айланмани эмас, балки ҳақиқий иш тарзини кўриб чиқади. Натижада миждоз ҳақида аниқ маълумотга эга бўламиз ва қарор қабул қиламиз. Қонда тариқасида, тадбиркор бир неча кун ичида кредит олади, — деди Алишер Махамдалиев.

Барча банкларнинг кредитлаш шартлари турлича: ҳар хил фоиз ставкалари, хужжатлар тўплами ва кредит бериш муддатлари. Масалан, тадбиркор “Капиталбанк”дан кредит олиш учун банкка келиб,

бўлса ижтимоий тармоққа ёзиш керак экан, деган хулосага келади.

Яна бир гап. Кўпчилик ОАВ кузатарканмиз, тадбиркорлар билан бирор вазирлик, ташкилот, ҳоким ёки мутасадди учрашув ўтказса, энг асосий гап кредит олишдаги муаммолар бўйича сўз юритилди ҳамда мазкур хабар сўнггида тадбиркорларнинг кредит оид муаммоси шу ернинг ўзида ҳал этилди, дея ёзилади.

Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, нега мутасадди учрашув қилгунча ёки тадбиркор ижтимоий тармоқларга чиққунча кредит ажратилмайди?

Масаланинг яна бир жиҳати борки, банк оид қонунларимизда ҳар бир банк молиявий операцияларда мустақил иш юритади дейилган. Лекин тадбиркор билан банк муносабатларида банкка таъсир ўтказётган ташкилоту идоралар кам эмас. Бунинг ўзи бир ечимини кутаётган масала.

Агар мавзудага қайтайдиган бўлсак, бу ерда қарс икки қўлдан чиқади деган нақлни эслашга тўғри келади. Яъни худудларда фаолият юритаётган банк филиаллари кредит ажратиш бора-сида шаффоф, адолатли тизим яратиши ва барчага тенг муносабатда бўлиши талаб этилади, назаримизда. Агар ана шундай тизим бўлганида аҳоли орасида турли тушунмовчилик, гап сўзлар урчиманган ва ҳадеб ижтимоий тармоқларга мурожаатлар қилинмаган бўлармиди?! Қолаверса, банк матбуот хизматида фаолият юритаётганлар ҳам фақат мурожаатга муносабат ёзмадан банкка оид залворли мақолалар ёзармиди?!



ариза тўлдириб, паспорт, низоми, рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва ижара шартномасини тақдим этишининг ўзи кифоя.

Кредит транспорт воситаси, кўчмас мулк, заргарлик буюмлари ва бошқалар гаровга қўйиш эвазига берилиши мумкин. Бунинг учун ҳам минимал хужжатлар тўплами керак бўлади, яъни автомобилнинг техник паспорти ёки кўчмас мулк кадастри ва шунга мувофиқ, гаровга қўйилаётган мулк эгасининг паспорти.

Жорий йилнинг май ойидан октябр ойига қадар “Капиталбанк” 658 та лойиҳа учун 173 миллиард сўм миждозда кредитлар ажратди. Ушбу даврда атиги 5 та лойиҳани кредитлаш рад этилди, бу ҳатто 1 фоиздан ҳам кам.

Аммо, мутахасссларнинг фикрига кўра, бундай “тавқифий” лойиҳалар унчалик кўп эмас. Тадбиркорлар кредит олишга онли равишда ёндашадилар, дея ёзади “Капиталбанк” расмий веб-сайти.

21 ОКТЯБРЬ – “ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ТИЛ – АВЛОДЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК: МУАММОЛАР ҲАМ БОР, НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Маълумотларга кўра, инсоният шу кунгача жами 1400 га яқин ёзувдан фойдаланган ва илмий манбаларга кўра ёзувнинг тарихи қарийб 4 минг йил илгарига бориб тақалади. Миср миххатлари ва шумер ёзувлари, кейинчалик Урхун-Энасой тош битиклари ёзувнинг илк кўринишларидир. Урта Осиёдаги халқлар, шу жумладан, халқимиз ҳам жуда қадим ёзув маданиятига эга халқлардан биридир.

Улар ўтмишда турли ёзувлардан фойдаланган ва бу ёзувлар ўз тизимига кўра, асосан фонографик-харф-товуш ёзувлардан иборат бўлган. Тил тарихида сўғд, пахлавий, урхун-энасой, уйгур, араб ёзувлари аҳамиятлидир. Тилга, ёзувга эътибор масаласида аждодларимиз тутган йўли бизга ибратлидир. Хусусан, буюк аллома, қомусий олим, туркология ва қиёсий тилшунослик фани асосчиси Маҳмуд Қошғарийнинг заҳмат чекиб, юртлар кезиб ёзган “Девони лугатит-турк” асари, унда келтирилган 8 минг 758 та сўзнинг этимологияси, бундан ташқари Ҳазрат Алишер Навоий ўз асарларида 26 мингга яқин сўз қўллангани Ҳазрат Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг биргина “Бобурнома” асарида 14 мингдан зиёд лексик-бирликлардан фойдалангани тилимизнинг нечоғлик бой имкониятга эга эканлигидан далolatлар. Бобур шунингдек, кўп жиҳатдан бошқа ёзувлардан фарқ қиладиган 29 харфдан иборат – “Хатти Бобурий” кашфиётчиси сифатида ушбу ёзувда Қуръони каримни кўчиртиргани ва уни кўплаб юртларга юборгани, бугунга келиб, бу ноёб кўлжа дунёнинг мана-ман деган китоб фондларида сақланаётганидан хабардоримиз.

XX аср маърифатпарвар жадид алломаларимиз, жумладан, Исҳоқхон тўра Иброт, Маҳмудхўжа Бехбудий ва биринчи ўзбек профессори – Абдурауф Фитратлар томонидан ҳам тилга катта эътибор қаратилди. Фитратнинг “Тилимиз” номли мақоласини ўқир эканмиз, азалдан тил тақдирини баҳсли ва мунозарали фикрлар бўлиб келганига гувоҳ бўламиз. Ун етти ёзувда ижод қила олган бобокалонимиз Исҳоқхон тўра Иброт ўзининг “Жомеъ ул-хулл” асарида дунёда машҳур бўлган 41 ҳил ёзув тизими ҳақида батафсил маълумотлар келтирганини билемиз. Бир сўз билан айтганда, биз тарихи шонли, аждодларимиз маърифатли, буюк алломалар авлоди ва шонли юрт фарзандларимиз.

НИМАЛАРГА ЭРИШДИК?

Бугунги кунда илм-фан, техника ақл бовар қилмас даражада ривож топганига қарамасдан


дунё ҳамжамияти сайёрамизда нечта тил борлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмас. Баъзи маълумотларга кўра, дунё тилларининг сони 7000 дан ошиши айtilса, айримларида 8000 минг эканлиги қайд этилади. Қуринадики, ҳар бир халқ, миллат ва элат ҳақида аниқ маълумот бериш ниҳоятда мушкул. Бироқ, ана шу тиллар ичида атиги 250 та тилгагина давлат тили мақоми берилган, холос. Мана шу тилларда сўзлашувчи миллатларгина бүгун дунё сиёсий жараёнида давлат бошқаруви мақомига эга бўлган мамлакатлар сифатида ўз байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлиб, бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириб келишади. Шукрки, она тилимиз ўзбек тили ана шу 250 тил қаторидадир.

Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 31 йил тўлди. Ҳўш, мана шу ўтган давр мобайнида нималарга эришдик, нималарни бой бердик? Аввало, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши – миллатимиз ҳаётидаги буюк воқеа. Аждодларимизнинг азалий орузи ушлаган кун. Тилимизнинг ҳуқуқий асоси таъминланиши баробарида миллатимиз мустақиллигини қўлга киритди.

Бу жараён осон ва шунчаки, ўз-ўзидан рўй бермаганини таъкидлаш шарт эмас. “Давлат тили ҳақида”ги Қонун ўзбек тилининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Ўзбек тили ҳуқуқий асосларининг яратилиши негизда миллий тилининг мавқеини юксалтириш, тилга муносабат, тилга эътибор, тилга ҳурмат туйғуларини янада шакллантириш, фуқаролар онгида “давлат тили”, унга амал қилиш талаблари ҳақидаги эътирофни шакллантириш масалалари кун тартибига кўйилди.

Шунингдек, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун моддаларини ҳаётга татбиқ қилиш, Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида ҳисоб-китоб, статистика, молия ҳужжатлари, судлов ишларида, нотариал ҳаракатлар, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ташкилотларда давлат тилида иш юритиш, Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро анжуманларни давлат тилида олиб бориш, шахсни ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар, аризалар, таклифлар, шикоятларнинг давлат тилида расмийлаштирилишини таъминлаш мақсад қилинди.

Бундан ташқари, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар, ноширлик фаолияти, почта-телеграф жўнатмалари, муҳрлар, тамгалар, иш қозғола-ри матнлари, лавҳалар, эълон-



лар, нархномалар, маҳсулот ёрлиқлари, Республиканинг маъмурий-худудий бирликлари, майдонлари, кўчалар ва географик объектлар номлари, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси матнларини, асосан, давлат тилида расмийлаштириш режалаштирилди. Булар ижроси борасида маълум натижаларга ҳам эришилди.

ЕЧИЛМАГАН МАСАЛАЛАР...

Аслида тил мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб қўйилган бундай улкан мақсад ва вазифалар она тилимиз тараққиёти ва унинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо энг катта масала буларнинг қай даражада амалиётга жорий этилиши билан боғлиқдир. Бу борада сўз борар экан, минг афсуски, она тилимизга давлат тили мақоми берилган санадан бошлаб ўтган йиллар мобайнида бу каби ўта муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлган бундай вазифалар ижросига кам эътибор қаратилди. Натижада тил сиёсати кейинги ўринларда қолиб кетди.

Тўғри, “Давлат тили ҳақида”ги Қонуннинг амалиётга татбиқи борасида баъзи ютуқларга эришилди. Лекин амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар ондаги ютуқлар ҳеч гап эмас эди. Атрофини инглиз тилидаги, қолаверса, рус тилидаги номлар босиб кетди. Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларигага I love... тарзидаги “юрак” сўзлари кириб борди. Икитдорли болаларни биллимини инглиз тилида такомиллаштиради, деб бонг урдик... Рус тилини чуқур ўргансин, дедик. Она тили-чи? Кўпгина расмий ҳужжатлар, қонун лойиҳалари рус тилида амалга оширилди.

Тилимизнинг четдан кириб келган сўзлар босиб кетди. Таълим жараёнида ўзбек тилини ўқитишда ҳам бир қанча номуносиб қоида ва дастурларни жорий қилди. Оғзаки нутқ ва ёзма нутқ ўртасида катта тафовут пайдо бўлди. Бошқа туркий тилларда бўлгани сингари эшитганимиздек эмас, балки

ҳар бир сўзнинг морфологик хусусиятларига кўра ёзишимиз кераклиги тўғрисидаги қоидаларга амал қилдик, бу эса жамиятда одамларнинг она тилида тўғри ёзиш кўникмаларини янада қийинлаштирди. Яна бошқалардан фарқи равишда фақат биздагина чет сўзларини худди шундайлигича ўзлаштириш меъёри қабул қилинди. Аиниқса, ўзбек тили давлат бошқарувидаги ўрни сезилмади, ҳужжатлар давлат тилида олиб борилмади. Таълим жараёнида ўзбек тилини ўқитиш соатлари аввалгига қараганда ҳам камайиб бораверди.

МУАММОЛАР БОР, НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Тилимиз ривожига шу тилда сўзлаётган, шу тилда ёзаётган сўз бизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Шубҳасиз, тил – миллат маънавиятини белгиловчи муҳим омилдир. Унинг софлигини таъминлаш, қонуниятларига оғишмай амал қилиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Ҳўш, шундай экан, бугун ана шу бурчга қай даражада содиқмиз? Миллий маънавиятимиз ҳисобланган она тилимиз софлигига нечоғли эътиборда бўляпмиз? Унинг бой имкониятларидан тўғри ва ўринли фойдалана олаяпмизми? Менимча йўқ. Бу ҳақида сўз борганда ҳамон турли муаммолар борлиги кўзга ташланмоқда.

Ҳатто бугун шундай жараёнга келдикки, ўзимиздан ўз тилимизни ҳимоя қилишимиз керак бўлиб қолди. Тилини йўқотган халқ миллат сифатида ҳам йўқликка маҳкумдир. Бир пайтлар жадид адабиётининг буюк вакилларида бири Абдурауф Фитрат “тилимиз бой, аммо бахтсиздир”, деганида ҳақ эди. Бу гап она тилимизнинг бугунги тақдирини учун ҳам мосдек. Тўғри, мустақиллик йилларида тилимизни илмий ёссода ривожлантиришга қаратилган кўплаб тадқиқотлар яратилди. Бироқ тил тараққиёти фақатгина илмий тадқиқотларга боғлиқ эмас, балки унинг ривожига ҳар бир шахс масъулдир. Барчамиз, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунга тўлиқ риоя қилишимиз шарт.

Бизга беминнат хизмат қилувчи она тилимиз ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этишда ҳам холис бўлсак, жонқуярлик кўрсатсак, ҳамжихатлик билан иш тутсак, эзгу мақсадларимизга эришишимиз мукаррардир. Зеро, тил – миллатнинг қалби, унинг қалбидаги туйғу тўғёнлар, миллий тил орқали юзага чиқади. Шу каби инсон ақлу шуурининг ифодаси ҳам тилдир. Шундай экан, ўз қалбини тоза тутмоқ, уни кўкрак қафаси каби турли хавфлардан ҳимоя қилмоқ ҳам шу миллатнинг гарданида. Бироқ давлат тилининг сиёсати, тараққиёти ва келажагига фақатгина шу тилда сўзлашувчи аҳолигина масъул эмас. Давлатни давлат қилган ҳуқуқий асослардан бири ҳам Давлат тилидир.

Шундай экан, унинг тозаллиги, ривожига ва қўлланилиш фаолияти ҳам давлат даражасида муҳофазаланиши керак. Ўзбек тили ҳақида Президент фармони чиқди, 21 октябрь байрам деб эълон қилинди, Янги тахрирда Қонун қабул қилиняпти, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳеч кимга, айниқса, миллат ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ташкилотларга ярашмайди. Ишлар қилиняпти, тилагимиз бу ишлар яна ҳам жадаллаши керак. Яқинда Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида кўча рекламалари билан боғлиқ ҳолатлар тафтиш этилаётгани ҳақида ижтимоий тармоқларда маълумотлар тарқалди.

Мана шундай амалиёт бошқа ҳудудларга ҳам юқишини истаймиз. Назаримизда, тилга меҳр туйғусини шакллантиришда ҳам бир қадар мажбурият бўлмаса бўлмас... Негаки, моддий зарар инсониятни ҳушёр тортиради. Инсонда мажбурият туйғусини уйғотади. Бирор фаолиятни мажбурият юзасидан амалга ошириш инсон табиатиға хос. Агар мажбурият бўлмаса, инсон фаолиятининг кўп қисми издан чиқиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам қонунлар ва меъёрлар қабул қилинади. Аслида аждодларимиз ҳам мажбурилик шахс ҳаракатини таъминловчи омил эканлигини таъкидлашган. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожби таълим-тарбия беришда мажбурият лозимлигини қайд этиб ўтган.

Маърифатпарвар бобомиз Фитрат таъбири билан айтганда, “Дунёнинг энг бой ва гўзал” тилимизни, бундай “бахтсизлик гирдобидан” чиқариш мансабу лавозимидан қатъий назар, ҳар бир шахсларнинг вазифаси. Она тили бу – она дегани. Она-мизнинг соғлиғига зиён етса, бу тўғич ўғилнинг ёки кенжа ботирнинг вазифаси деб қараб туриш миллатимизга хос бўлмагани каби Она тилининг соғломлиги тараққиёти ва келажаги учун учун кураш ҳар бир миллат фарзандига вожибдир.

Шукрат ҲАЙИТОВ,
филология фанлари
бўйича фалсафа доктори
ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ БАНКЛАРАРО ТЎЛОВ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1545-3]

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасининг Марказий бан-

ки тўғрисида" ги ва "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида" ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 17 ян-

вардаги 1/3-сон қарори (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали

электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2020 йил 25 август,
18/10-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2020 йил 25 августдаги 18/10-сон қарорига
ИЛОВА

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Муқаддимадаги "Электрон тўловлар тўғрисида" деган сўзлар "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-бандда:

1-кичик банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"1) Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази (кейинги ўринларда – МБ ҲКМ) – бу Банклараро тўлов тизими таркибига кирувчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ахборот тизими бўлиб, унинг функцияларига тижорат банкларининг Бош офисларига (кейинги ўринларда – банклар) ва Марказий банкка вакиллик ҳисобварақларини очиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда улар ўртасида электрон тўловларнинг белгиланган вақт давомида узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш қиради";

3-кичик банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"3) Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази (кейинги ўринларда – АБМ) – Марказий банк билан тузиладиган шартномага асосан банклараро тўлов тизимига техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайдиган марказ";

5-кичик банддаги "Электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китобга" ва "Электрон тўлов ҳужжати" деган сўзлар тегишли равишда "ЭТҲ тўловга" ва "ЭТҲ" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-кичик банддаги "бошқа банк адресига" деган сўзлар "бенефициар банкка" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-банднинг "л" кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"л) электрон тўловлар суммасининг миқдори буйича чеклов ўрнатилмаслиги."

4. 4 – 6-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

"4. Марказий банк билан АБМ ўртасида тузиладиган шартнома асосида Банклараро тўлов тизими фаолият юртишини техник, дастурий ва эксплуатацион хизматлари таъминоти АБМ зиммасига юклатилади.

5. АБМ билан тузиладиган шартнома асосида МБ ҲКМ орқали электрон тўловларни амалга оширувчи банклар

банклараро тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади.

6. Банклараро тўлов тизими иштирокчилари бўлган банклар – тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов хизматларидан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахслар банклараро тўлов тизимининг фойдаланувчилари ҳисобланади."

5. 8 ва 9-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

"8. Банклараро тўлов тизими иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тўғрисидаги АБМ билан тузиладиган икки томонлама шартномалар асосида белгиланади.

Банклараро тўловларни амалга ошириш мақсадида банклар томонидан МБ ҲКМга узатилган ЭТҲларини қайта ишлаш ҳақ эвазига амалга оширилади.

Банклараро тўловлар амалга оширилганлиги учун ундирилган хизмат ҳақини ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилинганда, Марказий банк ўзининг расмий веб-сайтида уч иш кундан кечикмай эълон жойлаштиради ва бу ўзгартириш Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилингандан ўн беш кун ўтгач тўлов тизими оператори ва иштирокчилари томонидан қўлланилади.

9. Банклараро тўлов тизимида узатиш учун мўлжалланган тўлов ҳужжатларининг тўғри тўлдирилиши буйича маъсулият банк миқдози зиммасига юклатилади."

6. 11-банддан "ва МБ ҲКМ" деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 13-банддаги "Тўлов тизимлари ва ахборот технологиялари" ва "ТТАТД" деган сўзлар тегишли равишда "Тўлов тизимлари фаолиятини тартибга солувчи" ва "ТТД" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 15-бандда:

1 ва 2-кичик бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

"1) Марказий банкнинг банкларга лицензия беришга маъсул департаменти (кейинги ўринларда – МБ ЛБД) МБ ТТДга

банк томонидан банк фаолиятини амалга ошириш учун Марказий банк лицензиясини олганлиги тўғрисида, банкнинг тўлиқ номи ва манзили кўрсатилган ҳолда хабар беради;

2) МБ ТТДнинг ёзма хабарномасига мувофиқ, АБМнинг БДМАБ бўлими тижорат банк учун хос рақам ва унга тегишли реқвизитларни захиралайди ҳамда бир вақтнинг ўзида банк ва МБ ТТДга бу ҳақда хабар беради";

5-кичик банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"5) МБ ЛБДнинг банкка лицензия берилганлиги, банкнинг банклараро тўлов тизимида ишлашга тайёрлиги тўғрисидаги Марказий банк Хавфсизлик ва ахборотлари муҳофазаси қилиш департаментининг хабарномалари ҳамда синовнинг ижобий натижаси тўғрисидаги АБМнинг далолатномасига, шунингдек, солиқ тўловчининг идентификацион рақами кўрсатилган Давлат солиқ қўмитасидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси асосида, МБ ТТД барча банкларга банкнинг очилганлиги, унга БДМАБда хос рақам берилгани ва банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида расмий хабарнома юборди. Уз навбатида, Марказий банкнинг электрон маълумотномаларига тегишли ўзгартиришлар киритилади."

9. 16-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Барча ишлар тугатилгандан сўнг, филиални банклараро тўлов тизимига улаш масаласида банк МБ ТТДга хат тақдим этади. Унда банк филиалнинг номи, манзили ва банк статистик ҳисоботларини беришда филиалнинг ҳудудий тобелиги кўрсатилади.

Ушбу хатга асосан банк филиали учун БДМАБда захираланган хос рақам ва тегишли реқвизитлар Марказий банкнинг тегишли электрон маълумотномасига киритилади ва банк филиали очилганлиги ҳамда уни банклараро тўлов тизимига уланганлиги тўғрисида МБ ТТД томонидан барча банкларга расмий хабарнома юборилади."

10. 17-банднинг 2-кичик

бандидаги "МБ ҲКМ ва банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳолат келишилмаган бўлса" деган сўзлар "шартномада бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 18-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"18. Банклараро тўлов тизимида қўлланиладиган ЭТҲларининг таркиби ва тузилиши:

1) Банклараро тўлов тизимида 2 – 6-иловаларда келтирилган ЭТҲлар қўлланилади;

2) ҳар бир ЭТҲ, ташаббускор банк томонидан жўнатиш учун тайёрланган ҳужжатни ва бенефициар банкда электрон усул билан олинган ҳужжатни идентификация қилиш учун мўлжалланган тегишли код (Тўлов ҳужжати коди) билан белгилашни керак. Тўлов ҳужжати кодлари (кейинги ўринларда – ТҲК) 8-иловада келтирилган;

3) маблағларни ўз вақтида ва тўғри ўтказилишини таъминлаш учун ЭТҲ тайёрлашда тўлов ҳужжатларининг барча реқвизитларини тўғри киритилиши керак;

4) тўлов топшириқномасини (ТҲК 01), тўлов талабномасини (ТҲК 02), мемориал ордерни (ТҲК 06), инкассо топшириқномасини (ТҲК 11) ва масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ўтказилган тўлов топшириқномаси (ТҲК 21) киритишда куйидаги реқвизитлар тўғри тўлдирилиши керак:

ҳужжатнинг рақами;
ҳужжатнинг санаси;
тўловчининг номи;
тўловчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
тўловчи банкнинг коди;
тўловчи банкнинг номи;
ҳужжатнинг суммаси (рақам билан);
олувчининг номи;
олувчининг шахсий ҳисобварағи рақами;

олувчи банкнинг коди;
олувчи банкнинг номи;
ҳужжатнинг суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади);
тўловчининг мақсади.

Тўлов мақсадида қонун ҳужжатлари билан тақдирланмаган ҳамда банк ва унинг миқдози

ўртасида тузилган шартнома шартларига мос келувчи маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ижро ҳужжатлари буйича инкассо топшириқномасида ундириб олиш учун асос бўлаётган ижро ҳужжатининг рақами, санаси ва номи кўрсатилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ айрим ташкилотлар томонидан маблағларни тўловчи ёки маблағларни олувчи бўлган тўлов ҳужжатларининг "тўлов мақсади" графасида нима мақсадда тўлов ўтказилаётганлиги тўғрисида маълумот кўрсатилмаслиги мумкин;

5) аккредитив учун ариза (ТҲК 05)ни киритишда куйидаги реқвизитлар тўғри тўлдирилиши керак: аккредитив номери; аккредитивни ёзиш санаси; тўловчининг номи; тўловчининг ҳисобварақ рақами; солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР); эмитент банкнинг номи; эмитент банк (ташаббускор банк)нинг коди, аккредитив суммаси рақам билан;

етказиб берувчининг номи; етказиб берувчининг ҳисобварағи рақами; аккредитивни ижро этувчи банкнинг номи; аккредитивни ижро этувчи банк (бенефициар банк)нинг коди; аккредитив суммаси сўз билан (автоматик тарзда ёзилади); аккредитив муддати. Аккредитив шартлари: аккредитив тури; товар (маҳсулот), хизматнинг номи; аккредитив буйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатнинг номи."

12. 24-банднинг иккинчи хатбошидаги "АБМ" деган аббревиатура "МБ ҲКМ" деган аббревиатура билан алмаштирилсин.

13. 25-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредитни бошқариш хусусида (параметр) ларидан келиб чиққан ҳолда, банклараро ЭТҲларининг ўтказиш вақтини тўлов тизими масалаларини мувофиқлаштирувчи

(Давоми 9-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

(Бошланиши 8-саҳифада)

раис ўринбосарининг ёзма ёки электрон кўрсатмасига асосан узайтириши мумкин. АБМ томонидан тизим иштирокчилари ЭТХга ишлов бериш вақтининг узайтирилганлиги ҳақида электрон тарзда хабардор қилинади.

14. 29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"29. Мижоз томонидан тақдим қилинган тўлов ҳужжатлари мазкур Низомнинг 18-бандида келтирилган барча мажбурий реквизитларнинг тўғри тўлдирилиши бўйича текширувдан ўтказилади."

15. 31-бандда:

биринчи хатбошидан "тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеклари," деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

16. 32-банддаги "пул-ҳисоб-китоб" деган сўзлар "тўлов" деган сўз билан алмаштирилсин.

17. 33 ва 34-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"33. Ташаббускор банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банкларо ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Ташаббускор банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида филиаллардан олинган ЭТХларига асосан:

Кредит операциялари (ТХК – 01, 02, 05, 06, 11, 21) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

КРЕДИТ 10301 банкнинг ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг Тўлов марказида Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса марказларидан олинган ЭТХга асосан:

Кредит операциялари (ТХК – 01, 02, 05, 06, 11, 21) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

КРЕДИТ 11005;

Дебет операциялари (ТХК – 06) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;

КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи.

34. Бенефициар банкда, ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банкларо тўлов тизимидан олинган тўлов ҳужжатлари асосида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Бенефициар банкнинг Тўлов (Ҳисоб-китоб) марказида банкка ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ТХК – 01, 02, 05, 06, 11, 21) бўйича:

ДЕБЕТ 10301;

КРЕДИТ 22204 тегишли филиал ҳисобварағи;

2) Марказий банкнинг Тўлов марказида ЭТХ келиб тушганда:

Кредит операциялари (ТХК – 01, 02, 05, 06, 11, 21) бўйича:

ДЕБЕТ 11005;

КРЕДИТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази ҳисобварағи;

Дебет операциялари (ТХК – 06) бўйича:

ДЕБЕТ 22204 тегишли Ҳисоб-китоб-касса маркази;

КРЕДИТ 11005."

18. Қуйидаги мазмундаги VII боб билан тўлдирилсин:

"VII. Банкларо тўловларни узлуksиз равишда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

43. Банкларо тўловлар Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими (кейинги ўринларда – Тезкор тўловлар тизими) орқали узлуksиз равишда амалга оширилади. АБМ Марказий банк билан

шартнома асосида Тезкор тўловлар тизими узлуksиз фаолият юритиши бўйича техник, дастурий ва эксплуатацион хизматларини таъминлайди.

44. Тезкор тўловлар тизимига уланиш учун банклар Марказий банкнинг банкларо тўлов тизимига уланиш бўлиши ва АБМга мурожаат қилиши керак. Тезкор тўловлар тизими хизматларидан фойдаланишда банклар ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилишлари шарт. Банклар Тезкор тўловлар тизими орқали амалга ошириладиган ҳар бир электрон тўлов ҳужжатларини электрон рақамли имзо қилишлари билан ҳимояланганлигини таъминлайди.

45. Тезкор тўловлар тизими орқали банкларо ҳисоб-китоблар узлуksиз (дам олиш кунларисиз) туну кун 24/7 режимида онлайн тарзда амалга оширилади. Бунда тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи қолдигидан келиб чиққан ҳолда лимит белгиланади ва ҳисоб-китоблар мазкур лимит қолдиги доирасида амалга оширилади. Банклар тўловлар узлуksизлигини таъминлаш мақсадида вакиллик ҳисобварақлари ликвидлигини таъминлашлари шарт.

46. Тезкор тўловлар тизимида белгиланган тартибда клиринг сессиялари амалга оширилади. Клиринг сессияси бошланишидан олдин банкларнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи етарли иконтинент қолдиққа эга бўлиши керак.

47. Тўловларни амалга ошириш мақсадида қайта ишлаш учун Тезкор тўловлар тизимига узатиладиган тўлов топшириқ-номалари банк мижозлари томонидан масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали 24/7 режимида хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинган бўлиши ва тўловчининг ҳисобварағида етарли маблағ бўлиши лозим.

48. Ҳар бир клиринг сессияси охирида банкларнинг соф позициялари аниқланади. Соф позиция банкнинг бошқа банкларга тўлаши ва бошқа банклардан олиши керак бўлган пул маблағлари фарқини аниқлаш орқали ҳисобланади. Аниқланган соф позициялар ҳақидаги маълумотлар Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказига узатилади ва пул маблағларини банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан ўчириш ёки киритиб қўйиш орқали яқуний ҳисоб-китоб амалга оширилади.

49. Тўловни амалга ошириш учун узатиладиган тўлов топшириқномаси муваффақиятли қайта ишланганлиги тўғрисида Тезкор тўловлар тизимидан тасдиқ олинганга қадар тўловчининг ҳисобварағида тўлов топшириқномасидаги суммага тенг бўлган сумма захираланади ва тасдиқ келгач ҳисобдан чиқарилади. Тезкор тўловлар тизимидан тасдиқ келганидан сўнг маблағ олувчилар ҳисобварақларига кирим қилинган маблағларни сарфлаш имкониятига эга бўлади, бунга қадар маблағларни олувчи фойдасига ўтказилган маблағлар унинг ҳисобварағида захираланади.

19. 7-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. 8-иловада:

"Ҳужжатларнинг номи" ва "Операциялар тури" деган сўзлар тегишли равишда "Тўлов ҳужжатлари номи" ва "Тўлов ҳужжатлари коди" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

6	Масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ўтказилган тўлов топшириқномаси	21
---	---	----

Президентнинг 13.10.2020 йилдаги "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори қабул қилинди.



ИСТИҚБОЛЛИ ТАДБИРКОРЛАРГА – ТАЪЛИМ ВА МИКРОКРЕДИТЛАР

2020 йил 15 ноябрдан бошлаб ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби ўрнатилади:

а) Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70%и, бироқ ҳар битирувчига 1 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори давлат томонидан компенсация қилинади;

б) касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини муваффақиятли тамомлаб, уларнинг сертификатини олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун микрокредит ажратилади. Микрокредитлар "Микрокредитбанк" АТБ томонидан 3 йил муддатга 6 ойгача имтиёзли давр билан МБнинг асосий ставкасида ажратилади;

тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 млн сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафилиги, сугурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинмаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафилиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 млн сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ушбу мақсадлар учун "Микрокредитбанк"га қўшимча 90 млн доллар маблағ ажратилади. Жорий йил охиригача аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес модели ишлаб чиқилади. 2021 йил давомида республиканинг барча туман ва шаҳарларида микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқлари ташкил этилади. Шунингдек "Микрокредитбанк" томонидан Микромолиялаш миллий тизимини яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, унинг ўзи операторлик вазифасини бажаради.

2022 йил 1 июлдан бошлаб "Ҳар бир оила – тадбиркор", "Ёшлар келажимиз" ва бошқа оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида давлат мақсадли ресурслари ҳисобидан кредитлар "Микрокредитбанк" АТБ томонидан тегишли ўқув курсларини тамомлаган шахсларга ягона микрокредитлаш дастури асосида ажратилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (Агентлик) аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмининг мувофиқлаштириш борасида ваколатли давлат органи этиб белгиланган. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар бўйича ваколатли офислари очилади. Агентлик Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби билан биргаликда аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестрини шакллантиради, 2022 йилдан Тадбиркорликка ўқитишнинг ягона тизими ишга туширилади.

2 млн АҚШ доллари эквивалентига маблағлар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда ННТга ёшлар ва хотин-қизларни кичик тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтириш назарда тутилган, ушбу маблағлар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига (Жамғарма) келиб тушади. Тажриба тариқасида, улардан қуйидаги тартибда фойдаланилади:

а) ННТларнинг кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун Жамғарма ҳисобидан танлов асосида 5 йил муддатга, жумладан 1 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4% ставкада қарз маблағлари ажратилади;

б) танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари Агентлик томонидан Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва мустақил экспертлар иштирокида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда ННТлар билан иктомий шериклик тўғрисидаги шартномалар тузилади;

в) ННТларга ажратиладиган қарз маблағларининг бир қисми микрокредит ташкилотларига берилади, улар томонидан, ўз навбатида, қарз маблағларни ҳисобидан микроқарзларни кенг аҳоли қатламларига, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга қуйидаги шартларда ажратилади:

қарз олувчи ННТларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган дастурлари талабларига мос келиши лозим;


тадбиркорлик ва даромад олишга қаратилган мақсадлар учун бир қарз олувчига 25 млн сўмдан ошмаган миқдорда қарз ажратилади;

микрокредит ташкилотлари қарз олувчи томонидан шартномага мувофиқ мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шартисиз, шу жумладан бир-бирларини қўллаб-қувватлайдиган гуруҳ кафилиги асосида микромолиявий хизматлар кўрсатишга ҳақли.

2021 йил 1 январдан бошлаб: тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда олинмайдиган давлат бож маблағларининг 20%и Савдо-саноат палатасига йўналтирилади;

давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг Савдо-саноат палатасига йўналтириладиган қисми 3%дан 5%гача – Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига йўналтириладиган қисмини камайтириш ҳисобидан оширилади.

ИҚТИСОД БЎЙИЧА НОБЕЛЬ МУКОФОТИНИ САВДОЛАШИШНИ БИЛГАНЛИГИ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИШДИ. БУ ШУНЧАЛИК МУҲИММИ?



2020 йил 12 октябрда Стокгольм шаҳрида Нобельчилар ҳафтаси якунига етди. Жорий йилги сўнгги мукофот иқтисодиёт соҳаси вакилларига тақдим этилди. Бу мукофот кимосиди савдоси назариясини ривожлантирганлиги учун америкалик тадқиқотчилар Пол Милгром ва Роберт Уилсонларга насиб этди. Иқтисодчилар ўз ишида нафақат савдо иштирокчиларнинг хулқи ва ҳолатини тушунириб кетишган, балки кимосиди савдоларида қандай қилиб кўпроқ даромад топиш мумкинлигини ўргатиб ҳам кетишган.

Кўп минг йиллар давомида кимосиди савдолари одамларнинг ўзаро муносабатларида муҳим аҳамият касб этиб келган. Қадимги Юнон файласуфи Геродот ҳам кимосиди савдолари Бобилда 2,5 минг йиллар аввал ҳам ўтказиб келинганини таъкидлаб ўтган. Қадимги Римда улар кредиторлар томонидан фойдаланиб келинган бўлиб, қарзи қайтара олмайётганларнинг мусодара қилинган маҳсулотлари сотувга қўйилган. Европада савдо уйлари нафақат мусодара қилинган мулкларни сотишган, балки сотувчилар сотиши керак бўлган маҳсулотларни ҳам савдога қўйган. Масалан, аввалдан фаолият юритиб келаётган савдо уйларида бири – Швециянинг Stockholms Auktionsverk савдо уйи 1674 йилдан буён кимосиди савдосини ўтказиб келади. XXI асрга келиб, кимосиди савдоларнинг тамойиллари инсон турмушига янада чуқур кириб келди: бугунги кунда кимосиди савдоларида ҳар қандай инсон маҳсулот сотиши ёки харид қилиши мумкин – бунинг учун eBay электрон майдонидан фойдаланилса, бўлди.

2020 ЙИЛДА МУКОФОТ ПУЛИ 1,1 МИЛЛИОН ДОЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Замонавий дунёда кимосиди савдолари маҳсулотларни – уйдан тортиб қимматли қоғозларга бўлган буюмларни сотишга мўлжалланган универсал майдон саналади. Ҳозирда бутун дунёдаги давлатлар кимосиди савдоларида давлат облигацияларини сотиб олиш орқали бошқа давлатлардан қарз олишга эришмоқда. Европа Иттифоқи карбонат ангидридди газ чиқиндилари бўйича квотага оид савдо ўтказиш орқали глобал ишчи топиштига уринмоқда. Кимосиди савдолари ўтказиш орқали давлат харидлари амалга оширилади, қазилмаларни ишлаб чиқиш ҳуқуқи сотилади, радиочастоталар сотилади. Милгром ва Уилсон ўз ишларида замонавий савдолар назариясининг тамойилларига тушунириш берган бўлиб,

одамлар қандай қилиб қарор қабул қилиши ва кўпроқ даромадга эга бўлиш йўллари ҳақида тўхталиб ўтишган.

ҲАММАСИ БОЛҒАДАН БОШЛАНГАН..

XXI асрда кимосиди савдосида ҳар қандай нарса сотилиши мумкин: оёқ кийимдан тортиб нефть қазилмасини излаб топиш ҳуқуқи, Леонардо да Винчи асарларию, давлат қарзи ҳам шу ерда сотилади. Айни пайтда маҳсулотлар "умумқабул қилинган ёки шахсий" қадр-қийматга эга бўлиши мумкин. Уларнинг биринчиси объектнинг ҳақиқий нархида, яъни барча учун бир хил қийматда сотилади, бироқ нархи ҳақидаги маълумот кўпчиликка маълум қилинмаслиги мумкин. Иккинчисига эса "ҳиссиётга бой" нарх белгилашиб, уни ҳар бир иштирокчи ўзи истаган нархда сотиши ва бошқаларнинг фикрига эътибор қилинмаслиги мумкин. Масалан, кимосиди савдоси бўйича уй сотиб олиш вақтида унинг умумқабул қилинган қиймати белгиланади. Нарх белгилашда бу нарх бўйича келажакда объектни сотиш ҳам инobatта олинади. Шахсий маҳсулотда эса уй ва ҳовли қанчалик харидорга ёкиши муҳим аҳамиятга эга.

Ақсарият маҳсулотларнинг қиймати аралаш табиатга эга, бироқ айрим объектлар барибир фақатгина умумқабул қилинган қадрга эга бўлади. "Тасаввур қилинг, сиз олмос сотувчисисиз, айрим бошқа дилерлар сингари қайта ишланмаган олмосни олиб, унга ишлов берасиз ва сотувга қўйиш ниятингиз бор. Сизнинг тўлашга тайёрлигингиз ишлов берилган олмосни қайта сотувга қўйиш нархингизга боғлиқ. Тайерининг нархи эса сифат ва сонига ҳам боғлиқ", – дея тушунирилади Нобель кўмитасида. Бироқ турли савдогарларда олмоснинг умумқабул қилинган қиймати бўйича фикри турлича. Бу фикрлар билим, тажриба ва олмосни

қўздан кечирिशга кетказилган вақтга қараб фарқланади. Олмоснинг нархини баҳолашда дилер савдонинг бошқа иштирокчилари белгиланган қийматни билиши мақсадга мувофиқ бўларди. Бироқ ҳар бир иштирокчи ўз ахборотини сир сақлайди.

Бундай нарсалар билан савдолашганда иштирокчиларда "ғолиб қармоғи"га тушиш эҳтимоли катта бўлади. Бунда олмос харид қилган иштирокчи энг қиммат нархи таклиф этади ва бундан зиён кўради. Роберт Уилсон 1960-1970-йиллардаёқ кимосиди савдосининг табиатини тасвирлаган илк мутахассис саналади. У номаълум қийматга эга объект иштирокчиларга энг қиммат нархга тушишини маълум қилганди. У савдо иштирокчилари зарур ахборот билан таъминламаганлиги боис баъзан нархи пайсатиришга ва бозор нархидан пастроқ нархда сотишга мажбур бўлишини исботлаб берган.

1980 йилда Милгром ҳам умумқабул қилинган, ҳам шахсий қийматга эга маҳсулотлар кимосиди савдоси ҳақидаги назарияни ўрганишда давом этади. У кимосиди савдосининг айрим шакллари "ғолиб қармоғи" муаммосини ҳал қилишини аниқлади. Милгром бошланишида арзонроқ нархда, кейинроқ оширилган нархда сотувга қўйилган инглизча савдо тамойилини ўрганиб чиқди. У аввал қиммат нархда қўйилиб, харидор савдолашганидан кейин нархи тушириб бериладиган голландча савдо талабларини ҳам изчиллик билан тадқиқ этди.

Милгром "ғолиб қармоғи" муаммоси инглизча кимосиди савдосида камроқ учрашини, сабаби улар объект ҳақидаги янги маълумотни генерация қилишини исботлади. Нархи ошириб бериладиган савдоларда иштирокчилар рақобатчилар маҳсулотни қанчага сотишга тайёрлигини кузата олади ва унинг қийматини реалроқ баҳолаш бошланади. Натихада маҳсулот нархи кўп

ҳолларда голландча савдога нисбатан арзонроққа айланади. Шундай қилиб, Милгром сотувчи истиқболдаги харидорлар имкон қадар объектнинг нархи ҳақидаги маълумотни савдодан аввал билишдан бевосита манфаатдорлигини амалиётда исботлаб берди. Масалан, савдо иштирокчилари савдога қадар мустақил экспертизага эга бўлган тақдирда сотувчи уйдалигдаёқ ўз маҳсулотини қимматроқ нархда сота олишига умид қилса бўлади.

Бундан ташқари, Милгром ва Уилсон кимосиди савдоларининг назариясини тузиб олишди, шунингдек улар савдо ўтказишнинг янги шаклларига асос солишди, дейилади Швеция академиясида. Уларнинг энг таниқлисига қўра, америкалик ҳукумат алоқа операторларига радиотўлқинни сотиши назарда тутилган. Илгари компаниялар ўзига хос "танлов"дан ўтиши, нима учун айнан уларга радиотўлқин берилиши зарурати ҳақида эсослаб берилиши талаб этиларди. 1990 йиллардаги технология бўҳрон ва телекоммуникацион компаниялар сони кескин ортиши боис АҚШ ҳукумати тўлқинларни тақдим этишга оид аризалар билан "қўмилиб" кетганди. Шунда ҳукумат тўлқинларни компанияларга тасодифий шаклда, лоторея орқали тарқатишга киришиб кетди.

Бу гоё на ҳукуматга, на компанияларга маъқул келарди. Компаниялар частоталарга бўлган ҳуқуқни қайта сотиб олишга мажбур бўларди. Ҳукумат эса иккиламчи бозор юзга келишидан миллиардлаб доллардан маҳрум бўларди. Масаланинг ечими сифатида комбинатор кимосиди савдолари ташкил этила бошланди. Ушбу савдоларда иштирокчилар муайян тўлқин учун эмас, балки унинг пакетлари учун савдолашадиган бўлди. Давлат ҳам газгага қўшимча пулларни тушира олди. Бундай савдо ўтказиш гоёси ҳам айнан Милгром ва Уилсонларга тегишли эди.

НАЗАРИЯГА ҚЎРА..

Пол Милгром ва Роберт Уилсон – Стэнфорддан чиққан америкалик иқтисодчилар. Милгром 1948 йилда Детройтда туғилган бўлиб, маҳаллий Мичиган университетини тамомлаган. Стэнфордда у статистика илми бўйича магистрлик даражасини қўлга киритди, кейинроқ эса ўша ерда бизнесда докторлик даражасига чикди. Турли йилларда у дарс берди ёки Шимолий-Ғарбий университет, Йель университети ва Берк-

лида ўз маърузалари билан қатнашди. Уилсон 1937 йилда Небраска штатининг Женева шаҳрида таваллуд топти. У Гарвард ва Кембрижда илмий даражаларни қўлга киритди. Бугунги кунда у Стенфорд университетининг хизмат кўрсатган профессоридир.

Уилсон ярим тунда мукофотланиши ҳақидаги хабарни олган, дарҳол бунга ўз муносабатини билдириб ўтди. У Нобель кўмитасига рағбат учун миннатдорчилик билдирди ва ҳозирча мукофотни қандай қилиб нишонлаши масаласида бир тўхтамага келмаганини маълум қилди. Онлайн режимда ўтказилган матбуот анжуманида у бирор марта кимосиди савдосида иштирок этмаганини тан олди. "Бироқ бир марта турмуш ўртоғим eBay орқали чанги мосламанини харид қилганди", – деди у ҳазиломуз оҳангда. Уилсон Нобель кўмитасидан олинган маблағларни нимага сарф қилишига оид қарорни қабул қилмаганини айтиб ўтди. Унинг таҳминича, пулларни турмуш ўртоғи ва фарзандлари учун сақлаб қўйиши мумкин.

Иқтисодиёт бўйича мукофот – Нобель мукофоти орасидаги энг янги йўналиш ҳисобланиб, Альфред Нобель васиятига қўра таъсис этилган аънаваный мукофотлар орасида бу йўналиш мавжуд эмас эди. Швеция банки бу мукофотни ўзининг 300 йиллиги муносабати билан ташкил этганди ва 1969 йилдан буён тақдим этиб келмоқда. Мукофотни олишчи мувофотлар тартибга солувчининг хайрия маблағлари асосида амалга оширилади. Иқтисодиёт соҳасидаги Нобель лауреати, бошқа "аънаваный" йўналишлар ғолиблари Швеция қироллигининг фанлар академияси томонидан саралаб олинади. Барча мукофотлар қиймати бир хил ва 10 миллион Швеция крони (2020 йилда 1,1 миллион АҚШ доллари) га тенг. Мукофотни топшириш маросими 10 декабрда бўлиб ўтади. Бироқ жорий йилда пандемия туфайли тантанали маросим виртуал шаклда ва аънаваный базмсиз бўлиб ўтади.

2019 йилда иқтисодиёт соҳасидаги мукофотни уч тадқиқотчига тақдим этилганди: Америка-Ҳиндистон олими Абхижит Банержига, унинг турмуш ўртоғи, АҚШ ва Франция вакиласи Эстер Дюфло, шунингдек америкалик иқтисодчи Майкл Кремерга беришганди. Мукофотга жаҳонда камбағалликни бартараф этишга янгира ёндашилганлик учун сазовор бўлишганди.

ИНВЕТОР МУВАФФАҚИЯТ СИРИНИ ОШКОР ҚИЛДИ

Таниқли америкалик инвестор Уоррен Баффетт муваффақият сирини ошкор қилди. Унинг фикрича, асосийси, кутишни би-лиш керак.



Қанчалик истеъдод ва ҳаракат кучли бўлмасин, барибир айрим нарсалар шуңчаки вақтни талаб этади, дейди Баффетт. Ҳаммасини бошидан бошлайдиган тад-биркорлар учун зудлик билан даромад топиш – рўёбга чиқмайдиган орзу, дейди миллиардер. Муваффақият сири интизом ва тизимга ҳам боғлиқ бўлиб, улар узоқ вақт давомида босқичма-босқич ишлашга кўмак беради, дея қўшимча қилади Баффетт.

Бироз муддат аввал олимлар сабрли инсонлар мақсадга эришиш борасида узоқ кутишни ёқтирмайдиганларга нисбатан кўпроқ натижага эришиши аниқланганини маълум қилганди. Яна бир бошқа тадқиқотга кўра, сабр-тоқатли инсонлар туш-кунликка камроқ берилади ва салбий ҳиссиётлардан ўз-ларини олиб қочишни билишади. Шу боис улар асабий ҳолатларда ўзларини йўқотиб қўймайди.

АҚШда ишсизлик рекорд даражага чиқди. Мамлакат Меҳнат вазирилик маълумотларига кўра, 4 октябрдан 10 октябргача бўлган муддат давомида ишсизлик бўйича ёрдам пулини илк марта сўраб мурожаат қилганлар сони 898 минг нафарни ташкил этди. Бу эсандан аввалги ҳафтага нисбатан 53 мингга кўп, демакдир. Айни пайтда мунтазам ёрдам пулини олиш учун мурожаат қилувчилар сони, аксинча, 1,1 миллион нафарга камайди. Сўнгги ҳафтада доимий кўмак оладиганлар сони 10 миллион нафарга етди.



АҚШДА ИШСИЗЛИК РЕКОРД ДАРАЖАГА ЧИҚДИ

Ижтимоий сўровномада иштирок этган иқтисодчилар сўнгги пайтлардаги ҳолатлар мамлакатдаги умумий вазиятни акс эттиришини тахмин қилмоқда. Аҳолининг катта қисми давлатдан доимий бериладиган молиявий ёрдам ўрнига коронавирус пандемияси оқибатлари билан курашишга қаратилган махсус кўмак дастури доирасида ажратилаётган ёрдам пулига эҳтиёж сезаётгани маълум бўлмоқда.

Ушбу дастур муддати 13 ҳафтага мўлжалланган бўлиб, ушбу давр мобайнида моддий ёрдам берилади. Моддий ёрдам

олувчилар сони кескин равишда, 818 мингдан 2,7 миллионга ошиши сентябрь ойининг охиригача кузатилади.

Мутахассислар меҳнат бозори қайта тикланишига оид башорат қилишга ҳали эрталигини таъкидламоқда. Бу борадаги кўрсаткичлар ҳатто оддий вақтдаги икки-лашлардан кейин ҳам аввалги ҳолатга қайтмаяпти. Глобал инқироз шароитида эсандаги ўзгаришлар янаям кучайиб кетди. Авиакомпаниялар ва озиқ-овқат муассасаларидаги оммавий қисқартиришлар сабабли яқин келажақда ишсизлик даражаси яна ортиши мумкин.

ЖАҲОННИНГ ЙИРИК ЗАХИРА ФОНДИ КОРОНАВИРУС САБАБЛИ КАТТА БОЙЛИККА ЭГА БЎЛДИ

Жаҳоннинг йирик суверен захира фондларидан бири бўлмиш Норвегия Давлат Пенсия фонди коронавирус пандемияси даврида технологик компаниялар акциялари ўсиши ҳисобига ўн миллиард доллар даромадга эга бўлди.



2020 йил учинчи чорагида глобал бозордаги мусобақа фонди 44 миллиард долларни олиб келди. 1,2 триллион доллар миқдорида баҳоланаётган инвестициялардан олинган даромадлилик кўрсаткичи 43 фоизга етди. Албатта, бу қиролликнинг молия вазирилик томонидан белгиланган мақсадли даражага нисбатан уч базис пунктга паст натижа ҳисобланади. Бундан ташқари, биринчи ярим йилликда инвестициялар салбий даромадлилик кўрсаткичига эга бўлганди, бу улуш 3,4 фоизни ташкил қилганди.

Фонд технологик компаниялар сезиларли даражада ўсишни қайд этаётган Америка бозорига

киритаётган қўйилмаларни кўпайтиришни режалаштирмоқда. Технологик тармоқнинг кўпгина компаниялари киритилган Nasdaq Composite индекслари 2020 йил март ойидаги минимал натижага нисбатан 70 фоизга ошган. Масалан, 23 мартдаги кўрсаткич 6860,67 пункт даражасида бўлган бўлса, 14 октябрга келиб ушбу кўрсаткич 11 768,73 пунктга етди.

2020 йил сентябрь ойи охирида Норвегия суверен фондига тегишли активларнинг 70,7 фоизи акцияларга киритилган бўлса, 2,7 фоизи хусусий мулк тизимига ва 26,6 фоизи белгиланган даромадга эга қимматли қозғаларга йўналтирилган эди.

Хитой яшиллаштиришга эътибор қаратиш орқали ўз иқтисодиётини бутунлай ўзгартириш ниятида. 2060 йилга бориб ХХР атмосферага карбонат ангидридли газнинг сизиб чиқишини ноль даражага тушириш ҳаракатида. Бунга энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш, шунингдек углеродни табиий ўзига ютувчи воситалар, масалан ўрмонларни ташкил этиш ҳисобига эришмоқчи.



ХИТОЙ ЎЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ КЕСКИН ЎЗГАРТИРМОҚЧИ

Бугунги кунда Хитой – дунёнинг энг кўп аҳоли сонига эга ва энергетик манбаларни энг кўп истеъмол қиладиган давлатларидан бири ҳисобланади. Атмосферага энг кўп карбонат ангидридли газ чиқариш бўйича ҳам энг катта улушга давлат айнан Хитойдир. 2060 йилга бориб бу ҳолатни яхшилашга оид қарорни Пекин сентябрь ойи охирида маълум қилганди. Шу вақтда ХХР яқин беш йилда "яшил технология"ларга йўналтириладиган харажатларни кўпайтириши ҳам маълум бўлди. Бироқ мақсадга эришишнинг аниқ йўллари ҳақида ошкор этилмаганди.

Энди Хитой муқобил энергия манбаларидан фойдаланишдан ташқари углеродни сақлаш ва утилизация қилиш ғояларини ривожлантириш ҳамда худудларни яшиллаштириш борасида фаол ҳаракат қилишини қайд этмоқда. Яшиллаштириш борасида сўнгги йилларда мамлакатда машҳур тамойил, яъни табиатга мослаштирилган қарорлар концепциясига (Nature-Based Solutions) амал қилиш назарда

тутилмоқда. Ушбу концепция ёрдамида ҳукуматлар бузилган экотизимни қайта тиклаш мақсадида ўсимликлар ва сувли-ботқоқли масканларни кўпайтиришга эришмоқда. Эндиликда бу тамойил ёрдамида углероднинг чиқиндиларини табиий равишда мақбуллаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

Хитой ҳукумати ўрмончиликни ривожлантириш орқали ҳам мамлакатдан чиқаётган чиқиндиларнинг учдан бир қисмини камайтириш мумкинлигига ишонч билдирмоқда. Бироқ мутахассислар Хитой қўйилган мақсадга эришишдан шубҳаланмоқда. Улар фаолиятини Хитойни яшиллаштиришга бағишлаган 40 йиллик компаниянинг натижаларига, айниқса кўп турли дарахтларга эга ўрмонларни ташкил этиш борасидаги ишларига эътибор қаратишди. Тадқиқотчилар ХХРда ташкил этилган ва бир турдаги дарахтлардан иборат ўрмонлар карбонат ангидридли газни (кўп турли дарахтларга эга ўрмонга нисбатан самарасиз) камроқ ўзига юта олишини қайд этмоқда.

НУРОТАДА ЗАМОНАВИЙ КУТУБХОНА Фойдаланишга топширилди

“Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда, десак, адашмаган бўламиз.” Ш.М.Мирзиёев



Китоб тафаккур, маънавият ва муҳим тарбия манбаи бўлиши билан бирга инсон камолотида тутган ўрни ниҳоятда бекиёсдир. Ҳаётимиз ўзгариш ва янгиланишлар замирига қурилган. Шу маънода одамлар тафаккуридаги ўзгаришлар ҳамда ҳаётини талаб китобхонлик соҳадаги ишларни қайта қўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаётган.

Давлатимиз раҳбарининг раислигида 2019 йилнинг 19 март куни ёшларга эътиборни қучайтириш,

уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот-технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги топшириқлар ижроси юзасидан, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ Навоий вилояти Нурота туманининг чекка ҳудуди жойлашган “Истиқлол” МФЙдаги Сойкечар қишлоғида қисқа

вақт ичида “Ипотека-банк” АТБнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан замонавий кутубхона барпо этилди ва қишлоқ аҳолисига фойдаланиш учун топширилди.

Кутубхонанинг тантанали очилиш маросимида иштирок этган туман ҳокими ҳамда мутасадди ходимлар мазкур зиё маскани келгусида минглаб маҳаллий ёшлар энг сеvimли жойларидан бири бўлиши мумкинлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Ушбу кутубхона 12 мингга яқин бадиий, илмий, публицистик ҳамда турли соҳаларга оид адабиётлар билан бойитилган. Шунингдек, кутубхонада адабиётларнинг электрон вариантлари билан танишиш учун замонавий компьютерлар билан ҳам таъминланган.

Дарҳақиқат, китоб – буюк устоз! Биргина китоб киши ҳаётини ўзгартириши мумкин. Чин маънода маърифатли ёшлар миллатимизнинг ёруғ истиқболдир.

Нуротада ташкил этилган ушбу кутубхона ана шундай ёшларни тарбиялаб, зғу мақсадларга хизмат қилади дея ишонамиз.



Finance.uz

**ОБУНА
ИНДЕКСИ-102**

Тел.:
(998) 99 837 11 04
71 234 43 18
Факс:
(998) 71-234-43-18.

ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,

“Банк ахборотномаси” – “Банковские вести” газеталари келгуси йилдан бошлаб, ягона бирлашган нашр сифатида чоп этилади. Бу барча ўқувчилар учун ҳам моддий, ҳам маънан манфаатли бўлади. Сиз газетлага обуна бўлиш истасангиз, “Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” ташкилотининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган қўйидаги ташкилотлар билан обунани ташкил этишингиз мумкин.

ОБУНА – 2021

Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти

АЖ “Ўзбекистон почтаси” ҳудудий филиалларида
АЖ “Матбуот тарқатувчи” ҳудудий филиалларида

Бухоро вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Жиззах вилояти

“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Қашқадарё вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Сирдарё вилояти

“Сирдарё матбуот хизмати” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“Тошкент матбуот медиа” – (97-156-22-77)

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

Самарқанд вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

“Тошкент жаҳон зиё” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти, Наманган вилояти, Андижон вилояти

“INFORM POCHTA” МЧЖ – 71-237-08-70

“Сайёр – 2017” МЧЖ – (99-990-61-01)



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Ахборот кўмаги
ЎЗА, “Norma Hamkor” МЧЖ
www.finance.uz
Таҳририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ
Газета таҳририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан
“Банк ахборотномаси”да зълон қилинган
материалларни қўчириб босишга ижозат берилади.
Қўлёмаларни тақриб қилинмайди ва қайтарилмайди.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами
билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта –
пайшанба кўни чиқади.
Буюртма № г 0463 А-1384
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп
этилди. Босишга рухсат этилди: 20.10.2020 й.,
1 2 3 4 5 6